84
Б 95

Миробид БОЙМЎМИН

# ДИЛ ФАСЛИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач | |
|---|---|
| 7.11.16 у. | |

ООО «Чирчикская городская

Миробид БОЙМЎМИН

# ДИЛ ФАСЛИ

*Шеърлар*

0962 0759 0436

CHIRCHIQ
IJTIMOIY IQTISODIYOT
KOLLEJI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
0759

Тошкент
«TURON-IQBOL»
2014

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7
Б-95

**Миробид Боймўмин**
Дил фасли: шеърлар / М. Боймўмин. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2014. – 96 б.

**Масъул муҳаррир:**
Шукур ҚУРБОН

Миробид Боймўминнинг ушбу тўпламини кузатар экансиз, унинг шеърларидаги соддалик, равонлик ва оҳангдорликка гувоҳ бўласиз.

Ўз-ўзидан оҳангдорлик Сизни ҳиргойи қилишга, бошни сарак-сарак, оёқни ер тепишга, депсинтиришга ундайди. Мавзулар ранг-баранглиги, қамрови, сўзларнинг кўлами ҳам кўнгилга таскиндай жаранг сочади.

*Ушбу китобимни падари бузрукворим*
*Боймўмин Мийлиқуловнинг 63 ёшлари*
*ҳамда волидаи муҳтарамам Қизларҳол*
*Ҳолмуродованинг 55 ёшлик юбилейларига*
*бағишлайман.*

ISBN: 978-9943-14-277-0 © «TURON-IQBOL», 2014



## ОРОМБАХШ ҲАЙҚИРИҚ

Сут билан кирган, жон билан чиқади. Ижод ринг ёки жанг майдони эмас. Истеъдод эса ўтда ёнмас, сувда чўкмас мўъжиза. Бу мўъжиза учқунларини ўзида ҳис этганлар тинмай интилади, изланади. Акс ҳолда илмсизлик истеъдодни маҳф этади. Шоирликни ўзига жон қадар ҳамнафас, холис ҳамроҳ деб билганларгина ижоднинг машаққатларига чидайди. Наинки, чидайди, балки ўзига қисмат, деб билади. Қисматдан қочиб ҳам, кечиб ҳам бўлмайди. Ижоднинг залворли юкини кўтара олганларгина шоир бўлади. Чинакам шоирларгина кўнгилларга йўл топади. Нафақат йўл топади, адабиётга, маънавиятга улкан ҳисса қўшади.

Ёш шоир Миробид Боймўмин ҳам қайноқ қалб жунбушларини, ошиқ юрак ҳайқириқларини дилдан дилга ором тарзида кўчиришга уринаётган қаламкашлардан.

У она юртга, ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб ҳисоблайди. Шу боис ҳам унинг аксарият шеърий машқлари юрт, Ватан, ота-она, дўстлик, садоқат, одамийлик ва оқибат руҳига йўғрилган.

Миробид Боймўмин ижодини кузатар экансиз беихтёр вужудингизни кимгадир фарздай бўлган қарздорлик ҳисси чулғаб олади.

Фарзандларнинг ота-она, жигаргўшаларнинг яқинлари, одамзотнинг эса Ватан олдидаги қарзи...

Адабиётдан, маънавиятдан қарздорлик ҳисси бир умр ижодкоримизни ижодга чорлайверади. Китобдан китобга ўсиш – сизга қўшқанотлик бахш этсин!

Миробид, яхши китоблар зиёси ижод осмонингизни йўлчи юлдуздай ёритиб турсин!

Умид қиламанки, янги гулдаста шеърият шайдолари кўнглида ҳаяжон уйғотади.

**Дониёр МИРЗО,**
*"Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби.*





## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Тоза ҳavoларинг жаннатга ўхшар,
Майин сўз мавжидан кўнгиллар юмшар,
Меҳр-муҳаббат ҳам шунда дейишар,
Сенсиз ўтмайди ҳеч ягона борим,
Мен учун азизсан, Ўзбекистоним.

Эй ватан бошингдан не савдо ўтди?
Дуо қилиб бобом тинчликни кутди,
Халқ ўтмишни энди буткул унутди,
Сенсиз ўтмайди ҳеч ягона борим,
Мен учун азизсан, Ўзбекистоним.

Эсласам, мозийнинг талабларини,
Қанча-қанча одам нолаларини,
Мажбурий меҳнатдан қутулдик энди.
Сенсиз ўтмайди ҳеч ягона борим,
Мен учун азизсан, Ўзбекистоним.

Бу диёрда роса ноҳақлик бўлган,
Баъзида аёвсиз қонлар тўкилган,
Бобом дерди: тинчлик қачон келаркан?
Сенсиз ўтмайди ҳеч ягона борим,
Мен учун азизсан, Ўзбекистоним.

Темурийнинг қони томиримда тот,
Жалолиддин бобом барчамизга ёд,
Халқимнинг орзуси бўлмади барбод,
Сенсиз ўтмайди ҳеч ягона борим,
Мен учун азизсан, Ўзбекистоним.

Биз кучли бўлайлик барча жиҳатдан,
Ҳар онда, ҳар нафас бўлайлик ҳамдам,
Энди кўяйлик биз қадамни шаҳдам,
Сенсиз ўтмайди ҳеч ягона борим,
Мен учун азизсан, Ўзбекистоним.

Юртим, сенга толе доим бўлсин ёр,
Бошингда шундайин Хумо қушинг бор,
Ҳеч қачон, ҳеч нега бўлмагин сен зор,
Сенсиз ўтмайди ҳеч ягона борим,
Мен учун азизсан, Ўзбекистоним.





## ЎКИНЧ

Кўз ёш тўкма, қуйгин, севгилим,
Нетай, ўзга гулисан, Гулим,
Қисматми бу аммо билмадим,
Туташмади йўлингга йўлим.

Келин бўлиб кетарсан энди,
Ўзга йигит остонасига.
Афсус, само каби соф кўнглим,
Кирар севги ғамхонасига.

Тилло узук ялтирайверар,
Нозиккина бармоқларингда.
Бўёқми ё билмам қип-қизил,
Қон ранги бор тирноқларингда.

Кўргин, мана, созим қўлимда,
Айтмоқдаман бир дардли хониш.
Айриликдан ҳатто минг чандон,
Яхши эди оловда ёниш.

Нигоҳларинг этар мени муз,
Сўнгги бора айтсам сенга сўз.
Жондан азиз сингилжонгинам,
Бахтингга ҳеч кўз тегмасин, кўз.

## СИНФДОШ
*(Синфдошларимга)*

Илк бора мактабга борган пайтимиз,
Болалар бир-бирин танимас эди.
Исмимиз билмасдан, фақат ҳой дердик,
Мактаб чоғларни эсланг, синфдош,
Мана, бугун яна улғайдик бир ёш.

Устозлар бизга қалам ушлатди,
Ўзида борин бизга ўргатди,
Кимдир ўқиди-ю, ўзин кўрсатди,
Мактаб чоғларини эсланг синфдош,
Мана, бугун яна улғайдик бир ёш.

Ёшликни кўмсаб бўлдим мен шодон,
Мадорим қуриб қолмасидан жон,
Келинг, бирга яйрайлик бир он,
Мактаб чоғларини эсланг синфдош,
Мана, бугун яна улғайдик бир ёш.

Бари қизиқ – бир тушга ўхшайди,
Паришон кўнглим секин юмшайди,
Ёшликни эсласам ақлим тўхтайди,
Мактаб чоғларини эсланг синфдош,
Мана, бугун яна улғайдик бир ёш.

Мактабда тўғри олдик биз таълим,
Минг раҳмат сизларга доно муаллим,
Соғиндим ёмон ўша онларим,
Мактаб чоғларини эсланг синфдош,
Мана, бугун яна улғайдик бир ёш.





Таскин беролмас хеч кимса бирок,
Ёдимга тушди сўнгги қўнғирок,
Йиғладим секин ўйлаб мен узоқ,
Мактаб чоғларини эсланг синфдош,
Мана, бугун яна улғайдик бир ёш.

Ёшликда бўлар энг яқин сирдош,
Менга баридан азиз синфдош,
Ўтган дамларга бериб биз бардош,
Мактаб чоғларини эсланг синфдош,
Мана, бугун яна улғайдик бир ёш.

Буни узоқдан соғиниб ёздим,
Соғиниб балки ақлдан оздим,
Соғиндим сизни, эй азиз тенгдош,
Мактаб чоғларини эсланг синфдош,
Мана, бугун яна улғайдик бир ёш.

## СЕН ЙИҒЛАСАНГ

Сен йиғласанг, томчилаб ёмғир,
Дарё бўлиб оқиб йиғлайди.
Сен йиғласанг киприкларим ҳам,
Соғинч ўтин сочиб йиғлайди.

Сен йиғласанг, бу юраккинам,
Чидаёлмай ўксиб йиғлайди.
Сен йиғласанг азобли дардим,
Соф қалбимни эзиб тиғлайди.

Сен йиғлама, эй шўхи санам,
Кўзларингда кўрмасайдим нам.
Сен дунёда танҳосан битта,
Чиройингга лол қолар олам.

Сен йиғласанг, бўларман хуноб,
Юрагимда қанча изтироб.
Сен йиғласанг, жоним ҳам бежон,
Бўла олмас ҳеч ҳам тирик жон.

Сен йиғласанг, кўксимда қайғу,
Пора бўлар қалбимда туйғу.
Сен йиғласанг, мен ҳам йиғлайман,
Юрагимни эзиб тиғлайман.





## СОҒИНЧ
*(Дўстларимга)*

Ҳар он дўстларимиз шундайин турсин,
Соғинса бир-бирин ёнига келсин,
Дийдор кўришганда кўнглингиз тўлсин.
Аллоҳим, бахт-иқбол биз томон кулсин,
Дўстлигимиз доим абадий бўлсин.

Ёдимда илк бора танишганимиз,
Чопиб-чопиб ўйнаб қувонардик биз,
Ҳануз ёшликдаги дўстларимсиз сиз,
Аллоҳим, бахт-иқбол биз томон кулсин,
Дўстлигимиз доим абадий бўлсин.

Улғайдигу бизлар ҳаётга боқдик,
Юракка билмайин оловни ёқдик,
Баъзида билмайин севдик, севилдик,
Аллоҳим, бахт-иқбол биз томон кулсин,
Дўстлигимиз доим абадий бўлсин.

Эсласам титрайди жон ила таним,
Ёдимга тушади синфдошларим,
Бирга бўлайлик биз, азиз дўстларим,
Аллоҳим, бахт-иқбол биз томон кулсин,
Дўстлигимиз доим абадий бўлсин.

Ўшал дамларда мен, ёзганимда хат,
Кўз олдингда ахир биз тушган сурат,
Соғиндим деб, дўстим, йиғлама фақат,
Аллоҳим, бахт-иқбол биз томон кулсин,
Дўстлигимиз доим абадий бўлсин.

Дўстларим, сизларни эслаб бир бора,
Ўғилой, Ёкутой ҳамда Нодира,
Сизга ҳам бу ёшлик ширин хотира.
Аллоҳим, бахт-иқбол биз томон кулсин,
Дўстлигимиз доим абадий бўлсин.

Ёзардим, фарқи йўқ ўғилми-қизми,
Қоғозга сиғсайди барчанинг исми,
Мен учун соғ бўлсин, дўстларим жисми.
Аллоҳим, бахт-иқбол биз томон кулсин,
Дўстлигимиз доим абадий бўлсин.

Ҳаётда бўлайлик, дўстлар биз шодон,
Бир зумгина бирга бўлайлик бир он,
Дўст бўлинг дер, ахир, муқаддас Қуръон.
Аллоҳим, бахт-иқбол биз томон кулсин,
Дўстлигимиз доим, абадий бўлсин.





## ЎЙЛАМА

Тўйлар қилиб, ўзга уйга
Сен гўзални олиб кетди.
Орзуларим армон бўлиб,
Юрагимда қолиб кетди.

Ўзга уйда ўзга ёринг
Бўлайин дер вафодоринг.
Хаёлларим қўймас сира,
Бўлиб қолдим мен ҳам зоринг.

Жоним хеч ҳам йиғлама,
Бағри дилинг тиғлама.
Ўзга йигит ёрисан,
Мен телбани ўйлама.

Ҳайрон қолдим гоҳи сенга,
Кечиб кетдинг нега-нега?
Қулоқ тутсам юрагимга,
Бўлайин дер сенла бирга.

Энди сира иложим йўқ,
Юрагимга солгансан чўғ.
Эй гўзалим, мени унут,
Ўзга уйда ўз ёринг кут.

## ЎЗБЕК ҚИЗИ

Хаёлларим кетди сизларга,
Хафа бўлманг менинг сўзимга.
Асло гап йўқ чиройингизга,
Ўзбек қизи, не бўлди сизга?

Тушунмайман мен бу қизларга,
Гоҳ соч қуйиб, гоҳо қирқади.
Мен айтайин бир сўзни сизга,
Ўзбек қизи, не бўлди сизга?

Бувингиз гар кўрганда сизнинг
Калта кийим кийишингизни,
Роса танбеҳ берарди сизга,
Ўзбек қизи, не бўлди сизга?

Атлас шундай чиройли кийим,
Ярашмайди сизларга тор шим.
Сизни кўриб туролмайман жим,
Ўзбек қизи не бўлди сизга?





## ТАРОЗИГА СИҒМАС МУҲАББАТ

Одам Ато қони қонимда,
Жўш ўради ширин жонимда.
Муҳаббатга туташиб кетган
Осмон қадар, меҳри ёнимда.

Севдим деди Момо Ҳавога,
Қўлларини очиб дуога.
Соя солди, ҳийлагар шайтон,
Карши чиқиб қодир Худога.

Ҳар инсоннинг тўрт томонида,
Билки, шайтон туради ҳар он.
Ерга эгил, кўкка интилгин,
Бу икки ён, Худога аён.

Эй одамзод, қалбингни уйғот,
Унутмайлик, абадул-абад:
Қиёматнинг тарозисига
Сиғмас экан фақат муҳаббат.

## ТАЛОҚТЕПА

*(Жонажон қишлоғимга)*

Сенга тўкилгандир бир қошиқ қоним,
Сени ўйламасдан ўтмас ҳеч оним,
Майли, фидо бўлсин тан ила жоним,
Дил қоним тўкилган нурли капамсан,
Нурафшон масканим – Талоқтепамсан.

Улғайдим бир умр сенинг бағрингда,
Гуллаб-гуркираган кўчанг ёдимда,
Ўйнадим, қувнадим сўлим боғингда,
Дил қоним тўкилган нурли капамсан,
Нурафшон масканим – Талоқтепамсан.

Тўйларингда бўлар қозон-қозон ош,
Барчаси мен учун эски қариндош,
Хизмат қиладурман бўлиб елкадош,
Дил қоним тўкилган нурли капамсан,
Нурафшон масканим – Талоқтепамсан.

Қиру адирлари, ўтлоғи бисёр,
Эзгулик кўнгилга жондай вафодор,
Тангрим қўллагувчи бўлсин сенга ёр,
Дил қоним тўкилган нурли капамсан,
Нурафшон масканим – Талоқтепамсан.

Танти деҳқонингни олсам тилимга,
Ризқи рўз беради тинмай элимга,
Сен ахир туташсан мангу дилимга,
Дил қоним тўкилган нурли капамсан,
Нурафшон масканим - Талоқтепамсан.





Бағрингда бир нафас чиқариб ҳордиқ,
Кўксингга қуёшдай тақолсам ёрлиқ,
Сен билан гўзалдир ер юзи, борлиқ,
Дил қоним тўкилган нурли капамсан,
Нурафшон масканим – Талоқтепамсан.

7910 9440

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
0759

## ЧОРА

Айтмоқ истаб мен дардларимни,
Дилимдаги хазонларимни,
Ортда қолган азобларимни,
Эсга олмай ўзга чорам йўқ.

Гўзал-гўзал боғларни кезиб,
Гўзалликдан биз роса безиб,
Кейин эса кетканин кечиб,
Эсга олмай ўзга чорам йўқ.

Ул гўзалнинг ойдек юзини,
Жодулаган оҳу кўзини,
Менга айтган ширин сўзини,
Эсга олмай ўзга чорам йўқ.

Балки у ҳам соғинчга зордир,
Аммо энди ўзгага ёрдир,
Тилга олса исмини кимдир,
Эсга олмай ўзга чорам йўқ.

Юрагимга санчилди-я ўқ,
Афсус, энди ёнимда у йўқ,
Ўксик қалбим ёндирганда чўғ,
Эсга олмай ўзга чорам йўқ.





## ЎЗБЕГИМ ФАРЗАНДИМАН

Эл-юртим ғуруриман,
Хизматида тураман.
Билиб қўйинг, мен асли
Ўзбегим фарзандиман.

Қайга бормай ўйлайман,
Ўз элимни куйлайман.
Ўзга Ватан демайман,
Ўзбегим фарзандиман.

Аждодлар қони-қонда,
Шижоат меҳри жонда.
Бардоши қолган танда,
Ўзбегим фарзандиман.

Беқасам белбоғ белда,
Атласинг ҳар аёлда.
Шукуҳлик айлаб дилда,
Ўзбегим фарзандиман.

Турли режа тузгайман,
Барча тилда сўзлайман.
Ноҳақликка кўнмайман,
Ўзбегим фарзандиман.

Қайга бўлса юрамиз,
Барчани тенг кўрамиз.
Билиб қўй, эй ғаним, биз,
Ўзбегим фарзандимиз.

# КЎНГИЛ

Фойдаси йўқ, ҳатто сўз,
Юрак ҳам бўларкан муз,
Ёш тўлиб намланар кўз,
Кўнгил чўкканда.

Ҳеч сўзламай бош эгар,
Қалбида қайғу титрар,
Тўсиққа боши тегар,
Кўнгил чўкканда.

Тубдан қурқувда қолиб,
Ўзини холис олиб,
Жилмаймас, қовоқ солиб,
Кўнгил чўкканда.

Кўнгил, бу – нозик экан,
Унга кирмасин тикан.
Жонсарак дил оғриркан,
Кўнгил чўкканда.

Оёқлар қадам қўймас,
Танада ғамгинлик сас,
Қийналиб олар нафас,
Кўнгил чўкканда.

Дунёлардан тониб кетади,
Азоблардан қониб кетади.
Олов каби ёниб кетади
Кўнгил чўкканда.





# ГЎЗАЛ

Ошиқ бўлиб юзингга,
Икки қаро кўзингга,
Дардим айтдим ўзингга,
Севдим, гўзал, севмайсанми?

Ҳар он ортингда, мана,
Севгим қилиб тантана,
Айт, нима қилай яна?
Севдим, гўзал, севмайсанми?

Меҳрим билмай, топтайсан,
Мендай қайдан топгайсан?
Билмам, қандайин қизсан?
Севдим, гўзал, севмайсанми?

Бўлди, ахир, чарчадим,
Юрагим эса ярим,
Синиб кетмасдан қаддим,
Севдим, гўзал, севмайсанми?

Этма мени интизор,
Бўлай мангу сенга ёр,
Беролмас ҳеч ким озор,
Севдим, гўзал, севмайсанми?

* * *

Кўзлар йиғлар гоҳида тинмай,
Севгини деб қанчалар куймай.
Минг енгсам ҳам машаққатларни,
Тақдир кўймай устимдан кулгай.

# СОҒИНДИМ

Гулим сени жуда соғиндим,
Рўёларни айлантир чинга.
Овозингга ахир овиндим,
Кўнглим сизда дердинг-ку менга.

Гулим сени жуда соғиндим,
Ташламагин дилимни дардга.
Озор берма ҳеч ҳам соф қалбга,
Ҳаётимни тўлдиргин бахтга.

Гулим сени жуда соғиндим,
Тунлари ҳам уйқум йўқолган.
Изла, уни топ дейди қалбим,
Қутқар мени бундай азобдан.

Гулим сени жуда соғиндим,
Бу соғинчлар тинч қўймас сира.
Нима деркан юрагинг сенинг,
Қулоқ тутиб қани бир сўра.

Гулим сени жуда соғиндим,
Кел, осмонга парвоз этайлик,
Ишқий олов ёқиб дилларга,
Узоқ-узоқларга кетайлик.

Гулим сени жуда соғиндим,
Узоқдасан етмайди қўлим.
Мендан жоним бир сени фақат,
Айирмоғи мумкиндир ўлим.





# РИВОЯТ

Эшик очиб киргандим
Ҳовлимизнинг ичига.
Ўзгартириб юборган,
Қаранг, вақтнинг кучига.
Оиламиз жамулжам
Ўлтирардик бир пайтлар.
Болаларим соғиндик,
Деб отам, онам айтар.

Акаларим уйланиб,
Ҳар томонга кетишган.
Опаларим бўй етгач,
Кимгадир келин тушган.
Кечагидек ёдимда
Бобожоним юзлари.
Барчамизни тенг кўриб,
Эркаларди ўзлари.

Эски йўлак, йўллари
Олиб борди уй томон.
Деворларда турарди
Қатор суратлар ҳамон.
Болалигим соғиндим,
Кўзларимга ёш олиб.
Хаёлларга овундим
Ёш бола бўлиб қолиб.

Дерлар ҳаёт – чархпалак,
Бир зум тўхтамас экан.
Сониялар айланиб,
Қалбларга қадар тикан.
Кўлимга торим олиб,
Бир ривоят куйладим.
Соғиниб яқинларим,
Асло йиғлаб тўймадим.





## ШУКР ҚИЛ

Номардлардан еганингда панд,
Куй, йиғлама, кўзларингни арт,
Эй дўстгинам, сенга насиҳат:
Онажонинг борми? Шукр қил,
Отажонинг борми? Шукр қил.

Улар борки, йўлларинг равон,
Улар борки, ошарсан довон,
Улар борки, қалбда йўқ армон,
Онажонинг борми? Шукр қил,
Отажонинг борми? Шукр қил.

Бири мева тўла боғингдир,
Бири суянчиқ, тоғингдир,
Ҳар иккиси ҳам борлиғингдир,
Онажонинг борми? Шукр қил,
Отажонинг борми? Шукр қил.

Узоқ кетиб юрсанг агарда,
Дуо қилар шому саҳарда,
Ташвишингда берарлар далда,
Онажонинг борми? Шукр қил,
Отажонинг борми? Шукр қил.

Яхшиликка интилсин ҳаддинг,
Кўнглингни оч, кўтаргин қаддинг,
Билсанг, улар сенинг жаннатинг,
Онажонинг борми? Шукр қил,
Отажонинг борми? Шукр қил.

## ҚЎШНИ ҚИЗ

Ялпиз кўрдим ариқларнинг бўйида,
Хурсандчилик қизлар ранги-рўйида.
Эшитилди карнай-сурнай садоси,
Тўй бўлмоқда қўшни қизнинг уйида.

Тоғаралар кўтаришиб янгалар,
Ўтиб кетди кўчамиздан қаранглар.
Тол тагида киёв бола турибди,
Қўшни кизни келин қилиб кетарлар.

Дилобар ва Дилнозалар келишди,
Кетдик, тўйга борамизми, дейишди.
Энди тўйга боролмайман, дод, дедим,
Пиқир-пиқир масхаралар қилишди.

Билишмайди улар, афсус, севгимни,
Олдирдим-а оғзимдаги ошимни.
Ёр-ёрларни айтишганда янгалар
Алвидо деб, тўкдим кўздан ёшимни.

Тўй бўлди-я, тўй бўлди-я, тўй бўлди,
Давраларда барча ўйнади, кулди.
Ўн гулидан бир гули ҳам очилмай,
Кўз остимга олган гулгинам сўлди.

Ялпиз кўрдим ариқларнинг бўйида,
Хурсандчилик қизлар ранги-рўйида.
Эшитилди карнай-сурнай садоси,
Тўй бўлмоқда қўшни қизнинг уйида.





## СЕВАСАНМИ?

Сочлари сунбул десам,
Тинмайин эркаласам,
Жондан севишим билсанг,
Севасанми?

Балки, бу бир анъана,
Севгим қилса тантана,
Устимдан шодон яна,
Куласанми?

Ҳар куни учрашишга,
Жонинг фидо этишга,
Севишга, севилишга,
Кўнасанми?

Боғ-у роғни сайр айлаб,
Кўксингга ишқни жойлаб,
Ёнгинамда атайлаб
Юрасанми?

Тунлар санаб юлдузни,
Алмаштириб кундузни,
Ўтказиб баҳор- кузни,
Кутасанми?

# ҒАНИМ ҚЎЛИДА

Майли, сол, солақол, турли қийноққа,
Танамни майдалаб, минг бир бўллака,
Асрлаб тутсанг ҳам ҳатто сўроққа,
Ватаним сотмайман, сотмайман, ҳеч он,
Чунки у онамдир, менга қадрдон.

Тинглагин, бу тупроқ тарихи узун,
Ҳатто дунё кўрган, қадимдан юзин,
Инсонки, шу элнинг тотгандир тузин,
Ватаним сотмайман, сотмайман ҳеч он,
Чунки у онамдир, менга қадрдон.

Ёқмаса, кес тилим, сачраб кетсин қон,
Барибир мен учун, у дир жонажон,
Суюниб сўзламоқ бўлса ҳам армон,
Ватаним сотмайман, сотмайман ҳеч он,
Чунки у онамдир, менга қадрдон.

Эй ғаним, уйғонгин, ухлаб ётибсан,
Билмайсанми? Ўзбек, ўзига бекдир,
Билиб қўйгин энди, аввал билмасанг,
Ватанин сотишмас, бизларда ҳеч он,
Чунки у онамиз, бизга қадрдон.





# СЕВДИМ-АЙ

Қаранг, ўн етти ёшин,
Нозли, нозли боқишин,
Камондек қора қошин
Севдим-ай.

Дилим изҳорин айлай,
Кўнглига кўнглим шайлай,
Шу қизни танлаб атай,
Севдим-ай.

Бахт нихоли узокдир,
Балки йўлим тузокдир,
Қийнама мени, тақдир,
Севдим-ай.

У осмондаги фаришта,
Қалбимдаги саришта,
Боғлай деб мангу ришта,
Севдим-ай.

Яхшиям бордир севги,
Унинг йўқдир ҳеч чеки,
Бахтлидир севса кимки,
Севдим-ай.

***

Ишқ дея кўнглимни этдим мубтало,
Қалбим ёритди, ул Тангри Таоло,
Эй дўстлар, сизлар ҳам севинг, севилинг,
Ҳаётингиз шунда бўлади аъло.

## ҲАҚ СЎЗ

Тинчлик топтир ўзингни бир зум,
Сўнгра яхши ниятни кўзла.
Энг аввало, эй содиқ дўстим,
Алдамагин, ҳаққоний сўзла.

Қадам қўйма жиноятга сен,
Баъзан билмай хиёнатга сен,
Рақиб бўлма диёнатга сен,
Алдамагин, ҳаққоний сўзла.

Кун келади, ишонгин, ишон,
Ғаним иғво қилар ортингдан.
Бошинг эгма шунда ҳам ҳеч он,
Алдамагин, ҳаққоний сўзла.

Тингламагин номардлар сўзин,
Оч юрсанг ҳам, тотмагин тузин,
Рост иш қилсанг, порлайди юзинг,
Алдамагин, ҳаққоний сўзла.





## АЙРИЛИҚ

Учратдим муҳаббатни,
Кўр қилди кўзларимни.
Меҳрибоним, онажон,
Эшитинг сўзларимни:

Энди қайтиб севмайман,
У севгилим демайман.
Бу севгининг юртига,
Ҳеч ҳам қайтиб келмайман.

Айриликнинг онида,
Кул бўлди минглаб хатлар.
Сочилди шамолларга,
Юракда қолди дардлар.

Севмагин дедингиз-а?
Севавердим мен нодон.
Ҳолимга ўз дўстим ҳам
Ортимдан қилар ханддон.

Сиз экансиз чин дўстим,
Ёлғизгина ҳамдардим.
Тўғрилаб кам-у кўстим,
Онажоним, жаннатим.

Тинглаб ишқнинг мавзусин,
Дедингиз куюнмагин.
Қизлар севаман деса,
Севди деб, суюнмагин.

## БАХТ

Сени жондан севдим-а,
Ишқингда минг куйдим-а,
Ёнимда бўл девдим-а,
Ёнимда сен бўлмадинг,
Мени бахтли қилмадинг.

Ишониб ёлғонларга,
Йўл қўйиб бўхтонларга,
Кўл бериб армонларга,
Кетдинг қадрим билмадинг,
Мени бахтли қилмадинг.

Дард кўксимда ёнмоқда,
Бежон юрак тонмоқда,
Соғинч жоним олмоқда,
Афсус, ҳеч ҳам кулмадинг,
Мени бахтли қилмадинг.

Бу дунё худди қафас,
Айт, олай қайдан нафас?
Ким ҳам қиларди ҳавас,
Ойдай бир бор тўлмадинг,
Мени бахтли қилмадинг.

Куйингда бўлдим хароб,
Ишқ йўли экан сароб,
Чекдим қанча изтироб,
Ёнимга ҳеч келмадинг,
Мени бахтли қилмадинг.





## ХАФАЛАШДИК

Кеча бирам шод эдик,
Севгандик, севилгандик,
Қисматми бу, панд едик,
Қилиб қўйиб ё ёшлик,
Биз яна хафалашдик.

Айт, дедим айтмадинг-а?
Сўзингдан қайтмадинг-а?
Аксига олиб яна,
Гапдан қолмай, талашдик,
Биз яна хафалашдик.

Кўнгил ёрган кунларим,
Ухламаган тунларим,
Энди эса, дил ярим,
Кўнгилларни кадашдик,
Биз яна хафалашдик.

Дейаверар, қандай қиз?
Севгидан бошланса сўз,
Биз барчага ғийбатмиз,
Балки, билмай адашдик,
Биз яна хафалашдик.

Секингина келишиб,
Кадримизни билишиб,
Энди урушмаймиз деб,
Кечагина ярашдик,
Ва яна хафалашдик.

## ЯХШИ НИЯТ

Кел эркалаб, келгин эркалаб,
Исканжадан олиб кет қалбим.
Рўмолингни силкитиб тунда,
Қўлим ушлаб эшитгин дардим.

Белим боғлай бахтли қилмоққа,
Соф севгимиз кўкка илмоққа.
Номардларнинг йўлин тўсайлик,
Уринмасин дилни тилмоққа.

Янграйверсин севгининг сатри,
Ифор сочсин муҳаббат атри,
Қалблар қувнаб тинмай меҳрдан,
Савобларга тўлсин дафтари.

Ниятларга етмоқлик керак,
Бунинг учун толмасин билак.
Меҳрибоним ёнимда бўлсанг,
Сўнмагайдир ҳеч қачон тилак.

Юрак дейди: унутма уни,
Ўн саккиз минг олам уники,
Шунинг учун ҳар тун, ҳар куни
Дуоларим тутар самони.

***

Аввал сўзлар билан бошланди севги,
Сўнгра оёқ-қўлим кишанлаб олди,
Қаранг-а, соғинчли рашклардан тўйиб,
Хаста юраккинам бутунлай толди.





## АДАШМАЙЛИК

Севишганлар бахт топсин экан
Бу дунёнинг кўнгил боғида.
Гул танлашда ҳеч адашмасин
Ҳар бир эркак ёшлик чоғида.

Дилни хаста қилмасин ғамлар,
Бошга тушиб айрилиқ дамлар.
Йироқ кетгач соғинчни сезиб,
Қийнамасин бизни армонлар.

Қўлга олиб анор донасин,
Сиқиб сувин ичганлар қанча.
Очилмаган гулни сўндириб,
Минг гуноҳга ботганлар анча.

Дўстижоним, ўзинг яхшисан,
Савоблардан маржонлар туз сан.
Битта гулни яйратиб яшнат,
Охиратинг бўлади жаннат.

## СУРЪАТ

Юраккинам эзади ҳижрон,
Инграйверар тинчланмас бу дил.
Соғинчлардан безиб ҳар тунда
Мени жуда соғинди кимдир.

Манзил йироқ, келолмасангиз,
Суръатингиз жўнатинг деди.
Менда эса соғинчли титроқ,
Вижудимни кемирар эди.





## СЕЗМАЙСАНМИ?

Эй дўстгинам, нега бу кун, кўзларинг нам,
Билиб олдим, севасан сен, сўзларингдан,
Айтиб турар мисли офтоб юзларинг ҳам,
Чин боғига бўлгин тезроқ кирмайсанми?
Севганингнинг севишини сезмайсанми?

Нозланишин қара унинг, сени кўриб,
Қалам ташлаб секингина юриб-юриб.
Сўзлайверсанг уялибон лабин буриб,
Сени жондан севишини билмайсанми?
Севганингнинг севишини сезмайсанми?

Қара, тоғу адирларда қирлар бисёр,
Ранг-барангдир мисли минг хил лолалар бор,
У лолалар қараб турар сизларга зор,
Юриб бирга лолаларни термайсанми?
Севганингнинг севишини сезмайсанми?

Аёл киши ўзи асли нозик бўлар,
Эркаласанг, нозик қалби нурга тўлар,
Чиндан севиб-севилсангиз бахт ҳам кулар,
Бу гўзални, айт, ёнида бўлмайсанми?
Севганингнинг севишини сезмайсанми?

Тунлар бедор ёринг кутар, келмайсанми?
Шамол каби соғинганда елмайсанми?
Чиройига қараб уни тўймайсанми?
Жаннат томон қўл ушлашиб юрмайсанми?
Севганингнинг севишини сезмайсанми?

Сени жондан севишини билмайсанми?

## ҚАЙТОЛМАДИМ

Қонга бўяб қоғозларга хатлар ёздим,
Сени севиб, ишон, ҳатто ўздан тондим,
Мени кечир, кечира қол, эй армоним,
Севгингни деб, ишқ йўлидан қайтолмадим,
Севаман деб ўзгасига айтолмадим.

Юрак йиғлар, исканжада титроқдаман,
Кўзлар йиғлар, ғамгинликда ингроқдаман,
Оёқларим кишанланган йироқдаман,
Севгингни деб, ишқ йўлидан қайтолмадим,
Севаман деб ўзгасига айтолмадим.

Зирқирайди юракларим, торни чалсам,
Севги қасри қулагандир, бир қарасам,
Эй, севгининг тор дунёси, бунча торсан,
Севгингни деб, ишқ йўлидан қайтолмадим,
Севаман деб ўзгасига айтолмадим.

Ҳижронларда кул бўлди-я куйган қалбим,
Тақдиримнинг туморими билмам, дардим,
Художоним, айтгин нима эди айбим?
Севгингни деб, ишқ йўлидан қайтолмадим,
Севаман деб ўзгасига айтолмадим.





## ЁР-ЁР

Бағримни эзиб-эзиб,
Ёр-ёрчилар келдилар,
Қалб қасрин бузиб-бузиб,
Гулим узиб кетдилар.

Армон бўлди тилагим,
Азобланар юрагим,
Ёнимдамас керагим,
Гулим узиб кетдилар.

Соғинаман тунларим,
Ҳидлолмайман ҳидларин,
У сиз қилиб кунларим,
Гулим узиб кетдилар.

Оҳлар уриб, оҳ дедим,
Тақдиримдан панд едим,
Бир уни севар эдим,
Гулим узиб кетдилар.

Очиларди ҳар баҳор,
Сочиларди ҳар наҳор,
Энди босиб қолди қор,
Гулим узиб кетдилар.

## ОНА

Вижудида асраб авайлаб,
Орзулари хаёлин қамраб,
Бор меҳрини кўксида жамлаб,
Болам дея, яшайди Она.

Алла айтар тунлар ухламай,
Чарчаса-да югурар тинмай,
Захмат чекса бизга билдирмай,
Болам дея, яшайди Она.

Пойларида жаннат ётади,
Дуолари кўкни тутади,
Хурсанд бўлса, тик туриб қадди,
Болам дея, яшайди Она.

Қайда бўлманг сизга интизор,
Чекмасин дер, гавҳарим озор,
Дийдорини кўрай деб, бир бор,
Болам дея, яшайди Она.

Кучоқ очиб жилмайинг бир дам,
Дунёларга алишмас ҳеч ҳам,
Соғиниб у кўзларида нам,
Болам дея, яшайди Она.

Она билан дунё гўзалдир,
Она қалби ўзгача қалбдир,
Бу оламда фақат биргина,
Болам дея, яшайди Она.





## АЛВИДО

Қандай енгайин дардим?
Сени жондан севгандим,
Сен эса эгдинг қаддим,
Алвидо, ёрим.

Ишониб бағри тошга,
Кўзларим тўлди ёшга,
Чора йўқ энди бошқа,
Алвидо, ёрим.

Қалбимни ишқ тимдалар,
Айрилиқ торин чалар,
Майли, мен чекай ғамлар,
Алвидо, ёрим.

Илк севгимиз сир бўлиб
Қолди эски хатларда,
Дерман хаста ҳол кулиб:
Алвидо, ёрим.

Бахтли бўлгин бир донам,
Ўзинг эдинг ягонам,
Куюнма, деди онам,
Алвидо, ёрим.

Эй менинг ишонганим,
Қийнадинг ширин жоним,
Энди сенсиздир оним,
Алвидо, ёрим.

## СЕВИБ КЎР

Ана сенга йўл, дўстим,
Ҳеч йўқдир каму кўстинг,
Танлаб энг лобар қизни,
Бир бор севиб кўр дўстим.

Ёшликдан ўтибсан, ҳей,
Мард йигит бўлибсан, ҳей,
Оловдайин ёниб, ҳей,
Бир бор севиб кўр дўстим.

Ширин ҳис тугиб дилга,
Боқиб ҳар нозик гулга,
Эҳтиёт бўлиб тилга,
Бир бор севиб кўр дўстим.

Юрагинг қилма хаста,
Меҳринг бўлсин пайваста,
Боғлабон мангу ришта,
Бир бор севиб кўр дўстим.

Гоҳо ёниб кетасан,
Рашкдан тониб кетасан,
Юлдузларга етасан,
Бир бор севиб кўр дўстим.

Севги, билсанг денгиздир,
Кечалари кундуздир,
Яралган шундай тақдир,
Бир бор севиб кўр дўстим.





## ДЎСТ ДЕБ БЎЛМАЙДИ

Кунлар ўтар, асло тинмайди,
Гоҳ бахт кулиб, гоҳо кулмайди,
Азизлар, бу бир кам дунёда
Ҳар кимни ҳам дўст деб бўлмайди.

Кимдир дўст деб кирар қўйнингга,
Кимдир сиртмоқ илар бўйнингга,
Сенга содиқ бўлса у агар,
Файз-барака келар уйингга.

Сирларингни юрсалар гуллаб,
Ор-номусин кўчада пуллаб,
Гуноҳ ишни қилсалар минглаб,
Уларни ҳеч дўст деб бўлмайди.

Дўст, дўст дейди дўстликни билмас,
Ташвишингда бошингга келмас,
Вақти келса сени менсимас,
Уларни ҳеч дўст деб бўлмайди.

Асал эмас, заҳар тутарлар,
Кўзларингга тўлдириб қумлар,
Севган гулинг узиб кетарлар,
Уларни ҳеч дўст деб бўлмайди.

Кунлар ўтар, асло тинмайди,
Гоҳ бахт кулиб, гоҳо кулмайди,
Азизлар, бу бир кам дунёда
Ҳар кимни ҳам дўст деб бўлмайди.

Агар чин дилдан севсанг,
Ишингда ғайрат ошар.
Агар чин дилдан севсанг,
Давлатинг тўлиб-тошар.
Агар чин дилдан севсанг,
Қилма ҳеч ҳам ҳиёнат.
Агар чин дилдан севсанг,
Сенинг жойингдир жаннат.





# ЙИҒЛАДИ

Мени ташлаб қийноққа,
Кетдинг ўзинг қаёққа?
Совуқда ушлаб ёқа
Муҳаббатим йиғлади.

Дил зорин айтай кимга?
Тикилиб суратингга,
Ташлаб кетдинг деб нега,
Муҳаббатим йиғлади.

Тез-тез уради юрак,
Ишқ тори кимга керак?
Тақдир қилдими эрмак,
Муҳаббатим йиғлади.

Ул гўзални соғиндим,
Гоҳ хаёлда оғриндим,
Билмам, не эди айбим,
Муҳаббатим йиғлади.

Қуриб баланд иморат,
Топдиролмай адолат,
Кутмагандим фалокат,
Муҳаббатим йиғлади.

Дард қалбимни тирнади,
Ноҳақликка кўнмади,
Эгилиб мағрур қадди,
Муҳаббатим йиғлади.

## ОИЛА

Остонадан бошланар ватан,
Унга содиқ эрур жону тан,
Билиб қўйки, содиқ дўстгинам,
Оила, бу — кичкина давлат.

Онангга тиз чўкиб таъзим қил,
Отангга тиз чўкиб таъзим қил,
Болангга тиз чўкиб таъзим қил,
Оила, бу — кичкина давлат.

Аждодлардан мерос бўлган у,
Қон-қонингда эъзоз бўлган у,
Ширин жонинг ширин қилган у,
Оила, бу — кичкина давлат.

Илдам-илдам қадам ташлайлик,
Эзгуликка йўлни бошлайлик,
Азизларим, келинг асрайлик,
Оила, бу — кичкина давлат.

Яхши ният кўнгилни қамраб,
Ҳавас қилсин ўзгалар қараб,
Етиб турсин тоғлардек савлат,
Оила, бу — кичкина давлат.





## СОҒИНЧНИ СЕЗАМАН

Кўм-кўк ўтлоқ тафтида юрсам,
Минг хил гўзал лолалар терсам,
Бир кун ўтмай шаҳарга келсам,
Соғинчни сезаман, соғинчни.

Кўзим тушар, ана, санамлар,
Бирам гўзал қоши қаламлар,
Уйғонганда дилда аламлар,
Соғинчни сезаман, соғинчни.

Иғволардан ранжиса дилим,
Жим қолади айланмас тилим,
Кўргим келиб эски дўстларим,
Соғинчни сезаман, соғинчни.

Мурғак қалбим бахтга бўлса зор,
Ота-онам чекарлар озор,
Қачон насиб этар деб дийдор,
Соғинчни сезаман, соғинчни.

Қексалардан олиб дуони,
Ўрганаман сирли дунёни,
Соғиниб ҳар вақтда Худони,
Соғинчни сезаман, соғинчни.

## БЕВАФО

Юрак титраб бўлинди минг бўлакка,
Жисмим бежон, боғланди-ку тўшакка,
Оёқларим тик турмас ҳеч йўлакка,
Севгимизни нега сотдинг, бевафо?

Илм истадим юрдим мусофирликда,
Баъзан тўқлик, баъзан эса йўқликда,
Нега мени қолдириб сен ҳурликда,
Севгимизни нега сотдинг, бевафо?

Кўкка учди қилинган, эҳ, ваъдалар,
Армонлар-чи, соф қалбимни тимдалар,
Бизсиз қолди ўйнаб-ўсган далалар,
Севгимизни нега сотдинг, бевафо?

Наҳот, севги сотилса у пулларга,
Вафо қани, кетса ўзга йўлларга?
Мен бечора қолдим қандай кунларга,
Севгимизни нега сотдинг, бевафо?

Йиғламайман, ўксимайман, кўнмайман,
Айтгин, ахир, сўнгги сўзинг нетай ман,
Келмасанг гар, ўзгасини севмайман,
Севгимизни нега сотдинг, бевафо?





## АЛАМ

Қай йўлларга бошламади-а,
Қанча кўзим ёшламади-а,
Чанг чўлларга ташламади-а,
Муҳаббатда аламларим бор.

Сўлда қалбим ошиқ қилди у,
Хаёлларга соқчи қилди у,
Орзуларим армон қилди у,
Муҳаббатда аламларим бор.

Тунлар бедор ухламасдим ҳеч,
Севаман деб чарчамасдим ҳеч,
Айриликни ўйламасдим ҳеч,
Муҳаббатда аламларим бор.

Юрак йиғлар, бечора юрак,
Мендан бошқа кимга ҳам керак,
Азобларга солган у, демак,
Муҳаббатда аламларим бор.

Ёр-ёрларнинг келди садоси,
Ул гўзалнинг эдим адоси,
Қани ахир ёрнинг вафоси?
Муҳаббатда аламларим бор.

Эркак бўлиб сақлолмадим ор,
Менга савол бермангиз зинҳор,
Бу дунёда фақат биргина
Муҳаббатда аламларим бор.

## СОҒИНГАНИМДА

Кўзларингни кўргим келади,
Қайлардасан, билгим келади,
Соғиндим мен дегим келади,
Ёрим, сени соғинганимда.

Кўлим титраб дуторни чалар,
Зерикарли сенсиз кўчалар,
Оҳ урмоқлик оғир бунчалар,
Ёрим, сени соғинганимда.

Ўлчаб бўлмас масофа йироқ,
Ҳайқириғим етмайди бироқ,
Оташ қалбда минг битта сўроқ,
Ёрим, сени соғинганимда.

Сен ҳақингда ўйласам нени,
Соғинчларим қийнайди мени,
Айт, қайлардан излайин сени?
Ёрим, сени соғинганимда.

Сўзлари бол, лаблари ғунча,
Қийнайверма жонимни бунча,
Барибир кам, соғинмай қанча,
Ёрим, сени соғинганимда.





## ИШОНТИР

Ошиқ қалбим ғашламай,
Азобларга ташламай,
Ўзга йўлга бошламай,
Ишонтиргин ўзингга.

Эл ичра сақлай деб ор,
Севгингни қилдинг изҳор,
Дерман мен яна такрор,
Ишонтиргин ўзингга.

Хаёлим тўла ҳавас,
Кўнглимда ажиблик сас,
Сен билан олай нафас,
Ишонтиргин ўзингга.

Ғанимлар айирмасин
Синовларнинг барчасин,
Енгиб ўтиб мингтасин,
Ишонтиргин ўзингга.

Кўзларимда соғинчлар,
Кўлларим сочинг силар,
Ғтар шунча овунчлар,
Ишонтиргин ўзингга.

Бир сени шунча кутдим,
Билмайсан, қонлар ютдим,
Ҳатто ўзни унутдим,
Ишонтиргин ўзингга.

## РАШК

Билмайди ҳечам,
Кўрмайди ҳечам,
Кўнмайди ҳечам,
Рашк, рашк, рашк.
Девона қилар,
Гирёна қилар,
Бегона қилар,
Рашк, рашк, рашк.
Соғинасан-да,
Оғринасан-да,
Қилмайсан канда,
Рашк, рашк, рашк.
Дардимни билди,
Бағримни тилди,
Масхара қилди,
Рашк, рашк, рашк.
Севавераман,
Деявераман:
Ёлғиз эмасман,
Рашк, рашк, рашк.
Миробидни-яй,
Қийнамагин-ай,
Кел, дўстинг бўлай,
Рашк, рашк, рашк.
Бундайсан нега?
Қилиб жўрттага,
Тушма ўртага,
Рашк, рашк, рашк.





## АЗИЗАМ

Севги нима, ўтда ёнмоқми?
Севги нима, сувда чўкмоқми?
Севги нима ё соғинмоқми?
Соғинаман сизни, азизам.

Сокин тунда ёстиқни қучиб,
Хаёлимда осмонда учиб,
Тушларимда сесканиб, чўчиб,
Соғинаман сизни, азизам.

Исминг айтсам, лабим титроқда,
Соғинчлардан қалбим ингроқда,
Борай десам йўлим йироқ-да,
Соғинаман сизни, азизам.

Кўчаларда бўлиб девона,
Ўз-ўзимга ўзим бегона,
Севганим сиз дея ягона,
Соғинаман сизни азизам.

Соғинч нега бунчалар ширин,
Соғинч нега бунчалар азоб,
Билолмай мен ҳеч унинг сирин,
Соғинаман сизни, азизам.

## ДИЛДОР

Соф қалбимга бермагин озор,
Фақат сени севаман, эй ёр.
Изҳор қилиб севгимни такрор,
Дийдорингни соғиндим, Дилдор.

Борай десам боролмам бироқ,
Йўлларимда минг битта сўроқ,
Соғинганда қилиб қўнғироқ,
Дийдорингни соғиндим, Дилдор.

Порлар икки чақнаган кўзинг,
Дилга олов ёқади сўзинг,
Ҳаммаданам гўзалим ўзинг,
Дийдорингни соғиндим, Дилдор.

Билмайсанми, дардларимни,
Юракдаги гапларимни,
Сендан бошқа соғинай кимни?
Дийдорингни соғиндим, Дилдор.

Севаман деб бўлдим девона,
Эй севгилим, ўзинг ягона,
Бир кун ўтмай орадан яна
Дийдорингни соғиндим, Дилдор.





## ИШҚ

Севсанг гар ўзгага боқиб бўларму?
Севмагандан меҳрни топиб бўларму?
Юракка юракни сотиб бўларму?
Девона бу ишқ.

Соф севги занглади, ғийбат зангидан,
Ишқ қасри вайрона кўнгил жангидан,
Бахтиёр ғанимлар унинг рангидан.
Вайрона бу ишқ.

Нега севишганлар етмас севгига?
Нега бахтли бўлиб яшолмас бирга?
Эй дўстлар, дардларим айтайин кимга?
Афсона бу ишқ.

Кел, соғинч заҳрини бирга ичайлик,
Изғирин чўлларни яёв кечайлик,
Бу ёлғон дунёдан энди кетайлик.
Гирёна бу ишқ.

Қанча заҳмат чекиб топишгандик биз,
Армон бўлди, афсус, орзуларимиз,
Муҳаббатим, хайр, йўқолдинг бе из.
Бегона бу ишқ.

## ОНАЖОН

Дардга тўлди дунёлар,
Йўлимни армон қоплар,
Сочилиб кўздан ёшлар,
Йиғлаяпман, Онажон.

Бошқа севмайман, мана,
Ғаним қилди тантана,
Ўз ҳолим кўриб яна,
Йиғлаяпман, Онажон.

Эҳ қизлар, қизлар, қизлар,
Ўстимдан кулмангизлар,
Бевафо экан сизлар,
Йиғлаяпман, Онажон.

Севма деган эдингиз,
Нега севдим-а эсиз,
Кечиринг сиз ўғлингиз,
Йиғлаяпман, Онажон.

Қайдан келди бу офат,
Алдади-я муҳаббат,
Соғиниб сизни фақат,
Йиғлаяпман, Онажон.





## ИШҚ ДАРДИ

Севиб қолиб бир гўзални,
Исми монанд зулфизарни.
Девонаман, девонаман,
Ишқ дардида девонаман.

Ҳолим кўринг кўчаларда,
Ухлолмайман кечаларда.
Сарсонаман, сарсонаман,
Ишқ дардида сарсонаман.

Етолмадим бахт қасрига,
Олишдими ё асирга.
Вайронаман, вайронаман,
Ишқ дардида вайронаман.

Кўнглим ўксир афсуслардан,
Нега севдим? севганимдан
Бегонаман, бегонаман,
Ишқ дардида бегонаман.

Кетиб узоқ томонларга,
Кўнглим қолди ёмонларга.
Мен ёнаман, мен ёнаман,
Ишқ дардида мен ёнаман.

## МУҲАББАТ

Осмонингда ойлар тўлмайди,
У бўлмаса, омад кулмайди,
Дўстлар, билинг, ёруғ дунёда
Муҳаббатсиз яшаб бўлмайди.

Бирга бўлсанг яйрайди диллар,
Бедор қилиб қўяр кечалар,
Таърифига ожиздир тиллар,
Муҳаббатсиз яшаб бўлмайди.

Бевафолар қилса гар эрмак,
Фарёд уриб инграйди юрак,
Чора излар, не қилмоқ керак?
Муҳаббатсиз яшаб бўлмайди.

Гоҳо нотинч келар вазият,
Хароб бўлар қилинган ният,
Чекса ҳамки минглаб азият,
Меҳаббатсиз яшаб бўлмайди.

Муҳаббат, бу — Тангридан асли,
Барчага ёр бўлсин ёр васли,
Ўзинг амин бўласан ҳали,
Муҳаббатсиз яшаб бўлмайди.





## СЕВДИМ

Қайдан келди ишқ,
Юракда соғинч,
Бўлай деб овунч,
Севдим.

Зир титрар юрак,
Билмам, не керак,
Кериб мен кўкрак,
Севдим.

Гоҳи қизғониб,
Ўзимдан тониб,
Оловдай ёниб
Севдим.

Лаблари болим,
Сочлари толим,
Ол дея жоним,
Севдим.

Тунда ухлолмай,
Чалиб най, сурнай,
Айт, нима қилай?
Севдим.

Олдингми хатим,
Сарвиқоматим?
Сен — муҳаббатим,
Севдим.

## АЁЛ СЕВСА

Товлантириб хаёлин минг хил рангларда,
Қадимдан саботли ҳатто жангларда,
Кувончга сиғмайин ширин дамларда,
Аёл киши севса, чиндан севади.

Зир титрар қўлингиз тегса қўлига,
Севги, муҳаббатни солиб кўнглига,
Буюк орзуларнинг тушиб йўлига,
Аёл киши севса, чиндан севади.

Оила бахти деб қирқ жони ҳалак,
Ҳар битта ташвишга бўлиб жонсарак,
Қай бирин учратманг, феруза малак,
Аёл киши севса, чиндан севади.

Бири зебо, бири осмонда юлдуз,
Товланар сочлари кечаю кундуз,
Таърифин айтмоққа тополмайсиз сўз,
Аёл киши севса, чиндан севади.

Минг иссиқ, оловга ташлаб ўзини,
Соғинчдан йўлларга тикиб кўзини,
Кулгига тўлдириб ташна юзини,
Аёл киши севса, чиндан севади.





## БАХТЛИ ҚИЛГИН

Сен ҳурлиқо, малаксан,
Бахт ниҳоли, фалаксан,
Ёлгизим, борим десанг,
Кел, бахтли қилгин.

Ожиз дилим вайрона,
Қилма кўнглим ғамхона,
Ишқлар бўлсин пинҳона,
Кел, бахтли қилгин.

Юзларинг бунча гўзал
Ёзайму ёки ғазал,
Эй пари, лаби асал,
Кел, бахтли қилгин.

Армонларни ҳайдайлик,
Бекатда қолдирайлик,
Мен учун тенгсиз бойлик,
Кел, бахтли қилгин.

Куз кетидан келар қиш
Баҳорни ёз енгармиш,
Мен Отабек, сен Кумуш,
Кел, бахтли қилгин.

Олиб қочмай ўзингни,
Барчинойдай юзингни,
Менга бериб ўзингни,
Кел, бахтли қилгин.

## СЕВГАНЛАР БОР

Севганлар бор, кўнгли соф кўркам,
Севганлар бор, қалби тўла ғам.
Севганлар бор, бахт доим кулар,
Севганлар бор, дарди йиғлатар.
Севганлар бор, ҳар он биргадир,
Севганлар бор, дили хастадир.
Севганлар бор, севар мардона,
Севганлар бор, бўлар афсона.
Севганлар бор, қувнайди кўзи,
Севганлар бор, туйғача сўзи.
Севганлар бор, ваъдаси мангу,
Севганлар бор, топгани қайғу.
Севганлар бор, севги – бахт дейди,
Севганлар бор, тинмай ўксийди.
Севганлар бор, Лайли ва Мажнун,
Севганлар бор, бу ишқдан маҳрум.
Севганлар бор, бир қизни танлар,
Севганлар бор, юз қизни алдар.
Севганлар бор, бахтлидир бирам,
Севганлар бор, дарди бир олам.
Севганлар бор, қалби нур, чироқ,
Севганлар бор, инсофдан йироқ.
Севганлар бор, севишар мамнун,
Севганлар бор, йиғиси беъун.
Севганлар бор, севгиси ёлғон,
Севганлар бор, қалбида армон.
Севганлар бор, севгиси бахтдир,
Севганлар бор, дил қасри дарддир.
Севганлар бор, элларда достон,
Севганлар бор, номи қора ном.
Севганлар бор, бахтлидир бирам,
Севганлар бор, дер дунё бир кам.





## ЧАРЧАДИМ

Тақдирнинг тўфонидан,
Одамлар гумонидан,
Ғамларнинг уммонидан
Чарчадим, ёр, чарчадим.

Яшириб юзларимни,
Айтолмай сўзларимни
Тим қаро кўзларимни
Ёшладим, ёр, ёшладим.

Турли томонда миш-миш,
Ўксик қалбимни тилмиш,
Муҳаббат урмади ниш
Ғанчладим, ёр, ғанчладим.

Таъна қилар ғанимлар,
Куйиб берсам нимталар,
Ярим кўнглимни баттар
Ғашладим, ёр, ғашладим.

Қийнади ишқ фироғи,
Юракда армон доғи,
Сўнди севги чироғи,
Ташладим ёр ташладим.

Тақдирнинг тўфонидан,
Одамлар гумонидан,
Ғамларнинг уммонидан
Чарчадим, ёр, чарчадим.

## АРЗОН СЕВГИ

Бўлайин деб сенга қадрдон,
Ўйлаб кўриб олдиндан обдон,
Ишонгандим, эй қоши камон,
Висолингни кутгандим ёмон,
Наҳот, севгим бунчалик арзон?

Жоним, ахир, ўзингга аён,
Сени дея, берай дедим жон,
Соғингандим, соғиндим ёмон,
Қайт ёнимга, қайтақол бир он,
Наҳот, севгим бунчалик арзон?

Чин ошиқни қилдинг-ку вайрон,
Телбаманда, ҳануз мен ҳайрон,
Ўйлар эдим, ўйлардим ҳар он,
Сенга меҳрим эди бир жаҳон,
Наҳот, севгим бунчалик арзон?

Не қилайин, не қилай, жонон?
Сен қалбимнинг қасрисан ҳамон,
Айни шул дам, айни шул замон
Соғиндим мен, эй ширин забон,
Наҳот, севгим бунчалик арзон?

Кел, эркалай, Фариштам дебон,
Умримиз бу мисоли карвон,
Тақдиримиз бўлмади равон,
Орзуларим бўлди-ку армон,
Наҳот, севгим бунчалик арзон?





## МЕН БОРМАН-КУ

Мен борман-ку сўзлагин менга,
Мен борман-ку ёнингда бирга.

Мен борман-ку кўнглингни кенг қил.
Мен борман-ку борлигимни бил.

Мен борман-ку қўлингни бергин.
Мен борман-ку ёнимга келгин.

Мен борман-ку сўзимни тингла.
Мен борман-ку бир мени ўйла.

Мен борман-ку хазон кузники.
Мен борман-ку севги бизники.

Мен борман-ку лаблари болим,
Мен борман-ку сенда хаёлим.

Мен борман-ку йиғлама ҳеч ҳам,
Мен борман-ку нари кетар ғам.

Мен борман-ку ўйнаб-куламиз,
Мен борман-ку бахтли бўламиз.

Мен борман-ку биргамиз ҳар он,
Мен борман-ку қалбда йўқ армон.

***

Ишон бахтга, севгига ишон,
Лаблардаги кулгуга ишон,
Миробидми? Фақат севади,
Ишонмасанг севма ҳеч қачон.

## МУҲАББАТ, БУ

Муҳаббат, бу – севмоқ севилмоқ,
Муҳаббат, бу – оловда ёнмоқ.

Муҳаббат, бу – ширин лаззатдир,
Муҳаббат, бу – аччиқ ишратдир.

Муҳаббат, бу – ўчмас диёнат,
Муҳаббат, бу – гоҳи хиёнат.

Муҳаббат, бу – Тангридан совға,
Муҳаббат, бу – жон берар жонга.

Муҳаббат, бу – кимга аёндир,
Муҳаббат, бу – ширин хаёлдир.

Муҳаббат, бу – баланд бир қоя,
Муҳаббат, бу – солади соя.

Муҳаббат, бу – титратар жонни,
Муҳаббат, бу – тўкади қонни.

Муҳаббат, бу – ваъдалар бермоқ,
Муҳаббат, бу – армонда қолмоқ.

Муҳаббат, бу – туйғулар уйи,
Муҳаббат, бу – ғамгинлик куйи.

Муҳаббат, бу – ўлчанмас сира,
Муҳаббат, бу – қайрилмас қирра.

Муҳаббат, бу – дардга дармондир,
Муҳаббат, бу – сўнгги фармондир.





Муҳаббат, бу – бор ҳам қилади,
Муҳаббат, бу – зор ҳам қилади.

Муҳаббат, бу – ёш танламас,
Муҳаббат, бу – гоҳида қафас.

Муҳаббат, бу – тоат ибодат,
Муҳаббат, бу – меҳнат қаноат.

Муҳаббат, бу – бахт остонаси,
Муҳаббат, бу – дард кошонаси.

Муҳаббат, бу – ўзгача дунё,
Муҳаббат, бу – гуёки рўё.

Муҳаббат, бу – тугамас бойлик,
Муҳаббат, бу – асил қашшоқлик.

Муҳаббат, бу – ростликка майдон,
Муҳаббат, бу – ёлгонга зиндон.

Муҳаббат, бу – кетмайди зарби,
Муҳаббат, бу – Миробид қалби.

## БЕГОНАСИЗ ДЕР

Ишқ лаззатин тотай десам,
Ғамни юлиб отай десам,
Ором олиб ётай десам,
Бегонасиз дер.

Қон ютиб ичсам қасам,
Жоним берайму десам,
Атрофида айлансам,
Гирёнасиз дер.

Айтган сўзин олмасам,
Тинч қўймайин сўзласам,
Ортидан ҳеч қолмасам,
Девонасиз дер.

Тоҳирлар қолиб кетар,
Мажнунлар ёниб кетар,
Десам мендай ким севар?
Афсонасиз дер.

Кўйида бўлсам ҳалак,
Телба жоним жонсарак,
Парво қилмай у малак,
Оворасиз дер.

Ишқ лаззатин тотай десам,
Ғамни юлиб отай десам,
Ором олиб ётай десам,
Бегонасиз дер.





## МУҲАББАТДИР У

Ўн саккизга тўлдингми?
Уни кўриб кулдингми?
Қувонгандай бўлдингми?
Муҳаббатдир бу.

Маъюс тортса кўзларинг,
Жилмайса гар юзларинг,
Маъноли сўзларинг,
Муҳаббатдир бу.

Учрашганда қувонсанг,
Юзинг буриб уялсанг,
Сен севгимсан деёлсанг,
Муҳаббатдир бу.

Керилса гар кўкрагинг,
Эзгу бўлса тилагинг,
Тез-тез урса юрагинг,
Муҳаббатдир бу.

Зир титраса қўлларинг,
Бедор бўлиб тунларинг,
Чорлайверса йўлларинг,
Муҳаббатдир бу.

Ваъдаларинг соф бўлса,
Сени кўрганда кулса,
Ололсанг сирли бўса,
Муҳаббатдир бу.

Етаклайди ажиб сас,
Дилингда ғубор бўлмас,
Севсангу севилсанг бас,
Муҳаббатдир бу.

Насиб этса гар дийдор,
Миробид дейди такрор:
Кўнгилда уйғоқ, бедор,
Муҳаббатдир у,
Муҳаббатдир у.





## ОТАЖОН

Эрта тонгдан кўзларим очиб,
Ёшлигимни эсга оламан.
Бирам азоб дардлардан қочиб,
Соғинаман сизни, Отажон.

Умр йўллари майхонасидан,
Синовларнинг кошонасидан,
Безиб ғамнинг ғамхонасидан,
Соғинаман сизни, Отажон.

Бирам шовқин, сурон бу шаҳар,
Туш кўраман ярим тун, саҳар,
Ғанимлардан тотганда заҳар,
Соғинаман сизни, Отажон.

Ожизлирман гоҳо бардошга,
Кўзларим ҳам тўлиб кўз ёшга,
Сирларимни айтмай сирдошга,
Соғинаман сизни, Отажон.

Отамга дард бердинг, Художон,
Давосини бергайсан қачон?
Тинмай дуо қилибон ҳар он,
Соғинаман сизни, Отажон.

Ҳар жойда бор тошу тарози,
Ёмон экан туҳмат балоси,
Мен фаромуш банда оласи,
Соғинаман сизни, Отажон.

## ТАҚДИР ЙЎЛЛАРИ

Юрак урмоқдами, айланмоқда қон,
Ўша қон ичида бўлмасин шайтон,
Тақдири ҳар хилдир, жами тирик жон,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Кимларга бахт берар, кимларгадир дард,
Кимлардир қашшоқдир, кимдир бадавлат,
Дўстгинам, ачинма, кўзларингни арт,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Ғамгинлик кўйида қолди муҳаббат,
Гоҳида ошиқлар бахтидан сармаст,
Эй инсон боласи, куйинма фақат,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Булутлар келади, кетади ана,
Куёш ҳам чиқдию ботмоқда яна,
Кун кетидан ой-у йил ўтди, мана,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Баъзи бир юраклар титрайди тинмай,
Муҳаббат боғига кирганда, билмай,
На чора, ўксийди шўх кўнгли кўнмай,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Мен ҳам ўйлайверсам ўз тақдиримни,
Ухлолмай ўрнимдан сапчиб тураман,
Жавоб олмоқ учун топайин кимни,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.





Шу онда кўнгилга келар нидолар,
Дардларга қаердан топай даволар?
Таскин бера олмас ҳатто наволар,
Тақдир йўллари бу тақдир йўллари.

Юрак беҳузурдир бетинч, бемаҳал,
Ҳеч инсон бошига тушмасин хатар,
Лек қисмат турлича беради ҳалал,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Оҳ, киминидир отасидан айирар,
Йоҳ, киминидир онасидан айирар,
Кимларнидир фарзанднинг доғи қийнар,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Вақт ўтиб ёшларга ёшларни қўшар,
Вақт ўтиб бошларга бошларни қўшар,
Вақт ўтиб баридан жудолар этар,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Ўн саккиз минг олам дейишар бизга,
Ҳар бир инсон борки, ожиздир сўзга,
Дўстлар, қай киррасин айтайин сизга,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

Шижоат, матонат биз учун керак,
Тақдир ҳам Тангридан бир буюк неъмат,
Севиб севилибон яшайлик, демак,
Тақдир йўллари бу, тақдир йўллари.

## ИЛОЖИМ ЙЎҚ

Соғинчлар зор айлади бугун бизларни,
Ахтарамиз тополмай босган изларни,
Қиров босиб олгандек, билмам, кўзларни,
Бормоққа иложим йўқ, қайтмоғингга шахт.

Кўксимни кераверар майин шамоллар,
Сени эслатаверар гўзал жононлар,
Билмайди-да юракда қанча армонлар,
Бормоққа иложим йўқ, қайтмоғингга шахт.

Ор-номуснинг занжири узилиб кетди,
Ўзгаларнинг бахтига ўзгаси етди,
Чин дўстим ёнимдадир куюнма деди,
Бормоққа иложим йўқ, қайтмоғингга шахт.

Ўйлайвериб дедим мен ўзимга ўзим,
Севма энди севмагин шу сўнгги сўзим,
Вақтни қайтариб бўлмас, бузилгандир аҳд,
Бормоққа иложим йўқ, қайтмоғингга шахт.





## ҚАШҚАДАРЁДА

Ой билан сирлашганим,
Сой билан сўзлашганим,
Севганим, севилганим,
Бир гўзал, кутмоқда Қашқадарёда.

Сочларин майин тараб,
Қўшниларимдан сўраб,
Йўлларим томон қараб,
Бир гўзал, кутмоқда Қашқадарёда.

Тунлари бедор бўлиб,
Дийдорим тушда кўриб,
Эрта тонг саҳар туриб
Бир гўал, кутмоқда Қашқадарёда.

Қалбида қувонч билан,
Кўксида ишонч билан,
Кўнглида сувинч билан,
Бир гўзал, кутмоқда Қашқадарёда.

Соғинчлар заҳрин ичиб,
Армонлардан воз кечиб,
Ҳар тун суратим қучиб,
Бир гўзал, кутмоқда Қашқадарёда.

Бахтим тахтим сизсиз деб,
Шахтим ахтим сизсиз деб,
Яккам ягонам сиз деб,
Бир гўзал, кутмоқда Қашқадарёда.

Мана, бўлдингиз шоҳид,
Куйламоқдадир Воҳид,
Дейди шоир Миробид,
Бир гўзал, кутмокда Қашқадарёда.

***

Ишқ-ла бутундир кўнгил,
Ишқ-ла эзгудир тилак,
Ишқ-ла соғинчли бу дил,
Ишқ-ла гўзалдир юрак.
Ишқ-ла яшар экан рашк,
Ишқ-ла келар олий бахт,
Ишқ-ла қонар экан қалб,
Ишқ-ла келар, кетар дард.





# СЕНСИЗ

Сен учун урган юрак,
Бирга қилинган тилак,
Севгисиз тор бу йўлак
Сенсиз...

Қадринг эди диёнат,
Нега қилдинг хиёнат?
Кечирилмас жиноят,
Эсиз...

Армон орзуни янчар,
Юраккинамга санчар,
Мисли ботмоқда ханжар
Сенсиз...

Алам ютар нечалар,
Бедор бўлиб кечалар,
Қалбим қаери куй чалар,
Эсиз...

Бахтим кеч ҳам кулмагай,
Қалб қувончга тўлмагай,
Айт, энди қайга борай?
Сенсиз...

Ўзинг кўлла, эй Тангрим,
Қайларда қолди қадрим?
Ул гўзал эгди қаддим,
Эсиз...

## ЎЗБЕГИМ ПОЛВОНЛАРИ

Тарихин сўзлайинми?
Довруғин куйлайинми?
Ҳар байрамда устивор
Ўзбегим полвонлари.

Қадим ўзбек бобонг-ай,
Руҳлари шод қўллагай.
Эпчил бўлиб курашгай
Ўзбегим полвонлари.

Олақол, қани, елка,
Қўлинг тираб белига,
Кўтариб урар ерга,
Ўзбегим полвонлари.

Хаёллари иболи,
Бирам тотли лаб боли,
Курашади аёли,
Ўзбегим полвонлари.

Хизмат қилиб Ватанда,
Соф кучинг бордур танда,
Машҳурдирсан жаҳонда
Ўзбегим полвонлари.

Ўзгалар қилар ҳавас,
Ҳасад сенга ярашмас,
Тинчлигинг мангудир, бас,
Ўзбегим полвонлари.





## ОЛИБ КЕЛДИЛАР

Шундай файзли остонага
Бир парини олиб келдилар,
Туташтириб муҳаббатга,
Юракка ишқ солиб келдилар.

Келдилар, келдилар,
Ойдан гўзал ойни олиб келдилар.
Келдилар, келдилар,
Сочи сунбул ёрни олиб келдилар.

Юзларига қараб тўймайсиз,
Ер юзида топа олмайсиз,
Гўзалликда танхо ва ёлғиз,
Фариштани олиб келдилар.

Келдилар, келдилар,
Тўйхонага ёрни олиб келдилар,
Келдилар, келдилар,
Қувонч ила шодлик олиб келдилар.

Бирга бўлсин икки ёш мангу,
Билмасин хеч алам ва қайғу,
Дўстлар, севги – энг олий туйғу,
Буюк бахтни олиб келдилар.

Келдилар, келдилар,
Ойдан гўзал ойни олиб келдилар,
Келдилар, келдилар,
Сочи сунбул ёрни олиб келдилар.

## ГУНОҲДИР

Миробид, қалбинг софдир,
Севдингми, ҳузур топдир.
Сўзингда туролмасанг,
Бу бир гуноҳдир.

Юрагинг эзганида,
Ғамлардан безганида.
Қилмасанг агар канда,
Бу ҳам гуноҳдир.

Севганингмас у ўзга,
Хиёнат қилиб сўзга.
Сўзласанг ўзга қизга,
Бу ҳам гуноҳдир.

Дўстларинг кел деб турса,
Боролмасанг, оҳ урса.
Сени кўрганда кулса,
Бу ҳам гуноҳдир.

Кўз ёшинг бўлмас ҳалқа,
Хизмат қилгин Ватанга.
Хиёнат этсанг халққа,
Бу ҳам гуноҳдир.

Қаддинг тутгин мардона,
Нари кетсин ғамхона.
Кўнглингда бўлса гина,
Бу ҳам гуноҳдир.





## ИЛТИЖО

Хеч кимни отасидан,
Хеч кимни онасидан,
Хеч кимни боласидан
Айирмагин, Художон,

Бахт топса бахтларидан,
Тахт топса тахтларидан,
Аҳд топса аҳдларидан
Айирмагин, Художон.

Элдаги ҳурматидан,
Тилдаги ҳикматидан,
Дилдаги ҳимматидан
Айирмагин, Художон.

Ниятнинг софлигидан,
Тан-жону соғлигидан,
Дунёнинг борлигидан,
Айирмагин, Художон

Ширин-ширин сўзидан,
Қуриб турган кўзидан,
Ўғлимнинг ўзидан,
Айирмагин, Художон.

Хизмат қилсин Ватанга,
Жонин бериб ҳар тонгга,
Болаларим шу сенга,
Айирмагин, Ҳудожон.

## ДЕВОНАМАН

Йўлларимда тугунлар,
Зулматдир қаро тунлар,
Ёришгай қачон кунлар?
Девонаман, девона.

Безгандир ҳар бир кўча,
Кўринсам ғийбат бунча?
Ёмонман ёки шунча?
Сарсонаман, сарсона.

Тинч қўймай севдим десам,
Ёнига секин келсам,
Билиб у дейди кимсан?
Овораман, овора.

Мен учун танҳо у гул,
Ўйлайман, ўйлайми ул?
Ўзим ўзимдан буткул
Бегонаман, бегона.

Қанча севмай, шунча кам,
Ўзгасини ҳеч севмам.
Севги фазосида ман
Афсонаман, афсона.

Йўлларимда тугунлар,
Зулматдир қаро тунлар,
Ёришгай қачон кунлар?
Девонаман, девона.





## ТАҚДИР

Ёнимда сулув қизлар,
Жилмайишиб кулишар.
Ҳамон интизор кўзлар
Ўшал Наргизни излар.

Бири қошларин қоқар,
Бири дилга ўт ёқар,
Кечиринг, эй гўзаллар,
Деи кўздан ёш оқар.

Ҳаёт бунчалик таҳир,
Шунча йил севдим, ахир,
Не қилай, эй Художон,
Қисматми бу ё тақдир?

Севиб олашимми ё,
Ўйлайверади хаё.
Азобли туйғуларга,
Чўкиб кетибман гўё,

Мана, қанча вақт ўтди,
Юрагим тилимни тишлаб,
Энди барча дардимни,
Кукка отдим ховучлаб.

## УМИДЖОН

*(марсия)*

Тақдир шу эканми, кўзларимда ёш,
Акамга тилайман тоғлардек бардош,
Дунёдан ўтганинг эшитиб, укам,
Милт этмай жойимда бўлиб қолдим тош.

Отангнинг – умиди эдинг, Умиджон,
Онангнинг – умиди эдинг, Умиджон,
Аканг Фозилжоннинг ортидан кетиб,
Наҳот, сенга ҳам тор келди бу жаҳон.

Ухлолмай ўйлайман жилмайишларинг,
Орзуим қайларда қолди, оҳ, менинг?
Шунча болажонлар сиққан дунёга,
Жажжи жигаргўшам, сен сиғмасмидинг?

Онангнинг кўзидан оқмоқда қони,
Отангнинг кўксида титрайди жони,
Фарёддан ўзга чора тополмай,
Тинимсиз ўйлайди, сенда хаёли...

Юраклар эзилди, чорасиз дардлар,
Акажон, оҳ урманг, келади бахтлар,
Умид қилинг зеро, яна Умиджон
Жаннатдан юборгай, сиз учун тахтлар...

Қадди букилмасин, оила тоғини,
Меваларга тўлдир, кўнгил боғини,
Ёлвориб сўрайман, сендан Художон,
Ҳеч инсон тотмасин, фарзанд доғини.





## КЎНГИЛ

Бу қандайин дард бўлди,
Тополмайман ҳеч чора,
Кўз ёшин билдирмасдан,
Йиғлар онам бечора.

Кун, ой бўлса ҳам, майли,
Йиллар ўтди кетма-кет,
Ҳамон хастадир отам,
Шифтга қараб ётар тик.

Мен эса ўзга элда,
Юрибман тупроқ кечиб,
Ҳар куни хаёлимда,
Бораман минг бора учиб.

Кечалар ухлай десам,
Бўйсунмас ҳеч кўзларим,
Отамга шифо бергин,
Бизни яратган Тангрим.

Опаларим куйинар,
Акаларим куйинар,
Пичирлашиб ғанимлар
Хаста кўнглим чимчилар.

Ишонаман бари бир,
Ўтар бу қаро тунлар,
Ўксиманг, яқинларим,
Келади ёруғ кунлар.

# ОДАМЛАР

Туғиларкан барча тирик жон,
Ёруғ дунё аслида мезбон,
Ахир, бизлар ундаги меҳмон,
Охиратни ўйланг, одамлар.

Кимдир қаро кўзини сузар,
Яна кимдир меҳрни тутар,
Бир кун келиб, дунёдан ўтар,
Охиратни ўйланг, одамлар.

Парча нонни ҳеч ҳам кам демай,
Ёмон луқма топканни эмай,
Ҳаром шайтон сувини ичмай,
Охиратни ўйланг, одамлар.

Кайфи-сафо ёмон иллатдир,
Соғлигингиз, билинг, қимматдир,
Балки сўзим сизга миннатдир,
Охиратни ўйланг, одамлар.

Қиличдан-да ўткир у кўприк,
Ҳатто қилдан қилади торлик,
Ожиз унга қилган ёмонлик,
Охиратни ўйланг, одамлар.

Сир-синоат занжирин узинг,
Савоблардан маржонлар тузинг,
Гўзалликка тўлсин оламлар,
Охиратни ўйланг, одамлар.





# СЕВМАСИН

Ўзгасига бериб қўл
Юрганин кўрдим боғда,
Менинг йўлим бошқа йўл,
Энди мени севмасин.

Ул гўзални билмасдим,
Билсам, ҳеч ҳам севмасдим,
Унда йўқ менинг қасдим,
Энди мени севмасин.

Тунлар бедор ётарман,
Ёзган хатин отарман,
Куйиб бўлиб ботарман,
Энди мени севмасин.

Дардим билмас, дарди йўқ,
Ҳаёт, менинг қадрим йўқ,
Йўқ, дейман мен, яна, йўқ,
Энди мени севмасин.

Юрак жабрин тортар,
Кўз ёшим, айт, ким артар,
[illegible] ҳеч ҳам келмасин,
Энди мени севмасин.

***

Ҳар инсон борки, келади, кетар,
Кимлардир мурод, мақсадга етар,
Бир сўз айтай, сенга, эй дўстим,
Энг сўнгги сўзни, тарози айтар.

## ГУЛИМ-АЙ

Куёш чиқиб чарақлаб,
Нур сочмоқда ярақлаб,
Келдим сени дарақлаб,
Нозли гулимай, нозли гулим-ай.

Юрибсан жоним қайда?
Йўқсан учрашув жойда,
Сабаби не тезда айт?
Нозли гулим, нозли гулим-ай.

Юришингни соғиндим,
Кулишингни соғиндим,
Келишингни соғиндим,
Нозли гулим, нозли гулим-ай.

Сен менинг тиниқ юзим,
Сен менинг икки кўзим,
Сен менинг ширин сўзим,
Нозли гулим, нозли гулим-ай.

Фариштам деб эркалаб,
Майин сочингдан силаб,
Борай бахтга этаклаб,
Нозли гулим, нозли гулим-ай.





## СЕВГИ

Кўзни кўзга зор этгувчидир у,
Сўзни сўзга зор этгувчидир у,
Севги
Бирам азобдан яралган экан.

Айрилиқ оғриғи юракка санчар,
Орзулар уммони бутунлай янчар,
Севги
Бирам азобдан яралган экан.

Сени топгандим, яна йўқотдим,
Билмайсан, қанча азоблар тотдим,
Севги
Бирам азобдан яралган экан.

Дардли нолаларга тўлди дунёлар,
Қайтиб келмасин хеч энди рўёлар,
Севги
Бирам азобдан яралган экан.

Кўзни кўзга зор этгувчидир у,
Сўзни сўзга зор этгувчидир у,
Севги
Бирам азобдан яралган экан.

***

Билдингми, мана яна севишим,
Гришими кўксингда айт, нур?
Гар сезмасанг, сукут сақлаб жим,
Юрагингга қулоқ тутиб кўр.

# МУНДАРИЖА

Оромбахш ҳайқириқ (Дониёр МИРЗО) ....... 3
Ўзбекистоним ............ 5
Ўкинч........................ 7
Синфдош ................... 8
Сен йиғласанг .......... 10
Соғинч ...................... 11
Ўйлама ..................... 13
Ўзбек қизи ............... 14
Тарозига сиғмас муҳаббат.................... 15
Талоқтепа ................. 16
Чора ......................... 18
Ўзбегим фарзандиман ........... 19
Кўнгил ...................... 20
Гўзал ........................ 21
Соғиндим ................. 22
Ривоят....................... 23
Шукур қил................. 25
Қўшни қиз................. 26
Севасанми ................ 27
Бахтми бу?................ 28
Чироқчим ................. 29
Ғаним қўлида........... 30
Севдим-ай ................ 31
Ҳақ сўз...................... 32
Айрилиқ.................... 33
Бахт .......................... 34
Хафалашдик ............. 35
Яхши ният................ 36
Адашмайлик ............. 37
Суръат....................... 38
Сезмайсанми? ........... 39
Қайтолмадим............ 40
Ёр-ёр ......................... 41
Она............................ 42
Алвидо ...................... 43
Севиб кўр ................. 44
Дўст деб бўлмайди.................. 45
Соғинмоқдаман......... 46
Севсанг ..................... 47
Йиғлади .................... 49
Оила.......................... 50
Соғинчни сезаман ....................... 51
Бевафо ...................... 52
Алам.......................... 53
Соғинганимда .......... 54
Ишонтир .................. 55
Рашк ......................... 56
Азизам....................... 57
Дилдор ...................... 58
Ишқ ........................... 59
Онажон ..................... 60
Ишқ дарди................ 61
Муҳаббат.................. 62
Севдим....................... 63
Аёл севса.................. 64
Бахтли қилгин......................... 65





Севганлар бор ........... 66
[illegible] ........... 67
[illegible] ........... 68
Мен борман ........... 69
Муҳаббат бу ........... 70
[illegible] ........... 72
[illegible] ........... 73
[illegible] ........... 75
[illegible] ........... 76
[illegible] ........... 78
[illegible] ........... 79
[illegible] ........... 81
Ўзбегим полвонлари................. 82
Олиб келдилар .......... 83
Гуноҳ.......................... 84
Илтижо ...................... 85
Девонаман ................. 86
Тақдир ....................... 87
Умиджон..................... 88
Кўнгил ....................... 89
Одамлар ..................... 90
Севмасин .................... 91
Гулим-ай..................... 92
Севги.......................... 93

Адабий-бадиий нашр

*Миробид БОЙМЎМИН*

**ДИЛ ФАСЛИ**

*Шеърлар*

Тошкент – «TURON-IQBOL» – 2014
100182. Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро кўчаси, 51-уй.
Тел./факс: 244-25-58.

Муҳаррир *М. Туйғунов*
Бадиий муҳаррир *Э. Муратов*
Мусаҳҳиҳа *С. Алимбоева*
Компьютерда саҳифаловчи *Э. Муратов*

Нашриёт лиц. AI №223, 16.11.12.
Теришга 15.07.2014 й. берилди.
Босишга 01.08.2014 й. рухсат этилди.
Бичими 60x84 $^{1}/_{32}$. «Times» гарнитураси.
Офсет босма усулда босилди.
Шартли б.т. 2,79. Нашр т. 2,97.
Адади 1000 нусха. 38-сонли буюртма.

«TURON-MATBAA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.